

Turkiston

1925-yildan chiqqan boshlagan

«Kamolot» yoshlar ijtimoiy harakati Markaziy Kengashining nashri

www.turkiston.uz

2014-yil 5-aprel, shanba № 26 (15768)

9-aprel — Amir Temur tavallud topgan kun

МИЛЛАТ ҚУДРАТИНИНГ ТИМСОЛИ

Осмоннинг шарқий қопқаси сутдай оқарди. Қуёшнинг заррин нурларидан Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг кўркем ойналари ялтиради. Азим ва навқирон Тошкент яна бир тонгни қарши олди.

Ўрнимдан тураману хона деразаларини ланг очиб юбораман. Тяньшан тоғларида қорларни ялаб ўтган, адирларда лолаю қизғалдоқларнинг атрига чайинган субҳидам сабоси димоқни қитиклаб ўтади.

Радио мурватини бурайман. Ундан майин мусиқа таралади ва шоирнинг Ватан ҳақидаги шеъри кўнгилни тўлқинлантириб юборади:

...Надир миллат қудратининг тамаддуни? Амир Темур ҳайкалидан сўранг бунни. От миндириб ким қайтарди юртга уни? Жаҳонгири бехонумон юрт эди бу...

Борлигинг ҳам ғурурга, ҳам сурурга, ҳам ўйга тўлади. Халқ ва миллат тамаддунига асос яратган, буюк Соҳибқирон авлоди эканингдан ифтихор этасан.


Мустақиллик туфайли Президентимиз Ислоҳ Каримов раҳнамолигида қудратли салтанат асосчиси, илим-фан, маданият ва маънавий ҳомийси, дунё цивилизациясига беқиёс ҳисса қўшган буюк аждодларимизнинг, жумладан, Амир Темурнинг тарихий хотираси тикланди. Пойтахтимизнинг марказий кўчаларидан бирига, метро бекатига, фусункор хиёбонга унинг номи берилиб, маҳобатли ҳайкали қад ростлади. «Амир Темур» ордени таъсис этилди.

...Кўз ўнгимдан Соҳибқирон ҳайкали жой олган файзли хиёбон, унга туташ кўркем Амир Темур шоҳ кўчаси ўтади. Буюк аждодимиз номига қўйилган кўча ва хиёбонни сайр этиш истаги пайдо бўлади.

Собик мустақил тузум даврида Энгельс номи билан юритилган бу кўча истиқлол йилларида нафақат ташқи кўриниши, балки мазмун-моҳияти жиҳатидан ҳам бутунлай ўзгарди. 1992 йил 7 майда кўчага Амир Темур номи берилди. 2008 йил 6 майдан ушбу кўча Мовароуннахр кўчаси билан бирлаштирилиб, «Амир Темур шоҳ кўчаси» деб юритила бошлади. Катта халқ йўлидан Тошкент марказий вокзалигача салкам ўн километр узунликдаги бу кўчага ушбу номнинг берилиши буюк аждодимизга бўлган юксак эҳтиромнинг яна бир ёрқин ифодаси бўлди.

Президентимиз «Юксак маънавият — енгилмас куч» асарида юртимизнинг турли кўча ва хиёбонлари, метро ва автобус бекатлари, катта-катта майдонлар, биноларни безаб турган ўзбекча номлар, шиор ва лавҳалар ҳамда уларнинг ҳаётий аҳамияти ҳақида алоҳида тўхталади: «Ваҳоланки, яқин тарихимизда бу манзара бутунлай бошқача кўринишга эга эди. Биргина Тошкент шаҳридаги кўчаларнинг номларини ўқиб, беихтиёр қайси мамлакатда юргангизни билмай қолар эдингиз: Ленин, Маркс, Энгельс, Луначарский, Киров, Ворошилов, Лопатин ва ҳоказо. Шуниси ажабланарлики, большевиклар партиясининг дохийлари бўлмиш бу инсонларнинг бирортаси ҳам умрида юртимизга қадам қўймаган, бизнинг тарихимиз ва кадрларимизга мутлақо алоқаси бўлмаган кимсалар эди. Ёки шаҳардаги аксарият тураржой мавзелари «Ц-1», «Ц-2», «Ц-15» деган, одамда ҳеч қандай ҳистуйғу, хотира уйғотмайдиган мавҳум номлар билан атаб келинганини эслайлик.

(Давоми 2-саҳифада)



5-бетга қаранг

2014-yil — Sog'lom bola yili

КИМ, ҚАЕРДА НИМА ЎРГАНМОҚДА?

Президентимиз раҳнамолигида Ўзбекистон эришяётган, жаҳон ҳамжамияти кенг эътироф этган улкан ютуқларнинг асосий омили инсон ва унинг манфаатларидир.

Мамлакатимиз таълим тизимидаги миллий модел билим беришни сифат ва мазмун жиҳатидан янада такомиллаштириш, ҳаётда ўз фикри, қатъий позициясига эга, мустақил фикрлайдиган баркамол шахсларни тарбиялашдек эзгу мақсадга йўналтирилгани билан халқаро миқёсда алоҳида эътирофга сазовор бўлмоқда. Бу борада ўқувчиларнинг дарсдан бўш вақтини тўғри ва маз-

мунли ташкил этиш, турли тўғаракларга жалб қилишга алоҳида эътибор қаратилаётир. Жиззах шаҳридаги 2-умумтаълим мактабида турли йўналишда фаолият юритаётган 23 тўғаракка 458 ўқувчи мунтазам қатнайди. 50 нафардан зиёд ўқувчи мактаб жойлашган «Олмазор» маҳалла фуқаролар йиғини қошида ташкил этилган кураш ва бокс тўғарагида шуғулланади, яна 40 нафарга яқини

шаҳар «Баркамол авлод» марказига, мусиқа ва санъат мактабларига, спорт тўғаракларига жалб этилган.

Маҳалла фуқаролар йиғини қошидаги оилалардаги маънавий-ахлоқий муҳитни ўрганиш бўйича тузилган комиссия маълумотларига кўра, бундай тўғаракларга бормайдиган ўқувчилар ҳам дарсдан бўш вақтини бекор ўтказмайди. Вилоят ахборот-ресурс марказининг китобхоналари қайд этиш дафтарида мактабнинг юз нафардан ортиқ ўқувчиларнинг исм-фамилиясини учратиш мумкин.

— Ўқувчиларнинг дарсдан бўш вақтини мазмунли ўтказиш учун турли тадбирлар режа-

си ишлаб чиқилган, — дейди маҳалла фуқаролар йиғини диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Офтобой Нишонова. — Аслида, бола ҳар қандай тўғаракка ҳам боравермайди. Бунинг учун тўғарак қизиқарли машғулотларни тақлиф этиши керак.

Ахборот-коммуникация технологиялари ривожланган бугунги даврда болаларнинг интернетга киришини чеклаб бўлмагани каби уларнинг нимани ўрганаётганини ҳам тўлиқ назорат қилиш осон эмас. Ёшларни интернет тармоғи орқали кириб келаётган бузғунчи ғоялардан, «оммавий маданият» таъсиридан ҳимоя қилишнинг тўғри йўли уларнинг интернет саводхонлигини ошириш, ижтимоий ҳаётдаги ўрни ҳақидаги тушунчаларини бойитишдир.

(Давоми 3-саҳифада)

Амир Темура ҳазратларининг ташқи сиёсати, дипломатик ёзишмалари дунё олимлари, шу жумладан, мамлакатимиз мутахассислари томонидан апрофлича ўрганган ва ўрганилмоқда.

АМИР ТЕМУРНИНГ ЯНА БИР НОЁБ МАКТУБИ

Бундан бир муддат олдин таниқли француз темуршунос олими Жан-Луи Бакэ-Граммон билан Бухарестда учрашганимизда, у менга руминиялик тарихчи ва туркшунос олима Мария-Матильда Александреску-Дерска қаламига мансуб «**Амир Темурнинг Анатолияга юриши (1402)**» номли китобнинг 1942 йилда нашр этилган нодир нусхасини тақдим этганди. Китобни ўрганиш асносида, унинг «Анкара жанги оид ҳужжатлар» қисмида Амир Темурнинг ҳали жамоатчилигимизга маълум бўлмаган ноёб дипломатик ёзишмаси — 1402 йил 15 майда Константинополь ҳукмдорига йўллаган мактубига дуч келдик.

Мактуб матни эски италян тилида бўлгани учун уни ўқиш ва тушуниш қийин эди. Шу боис Соҳибқирон бобомиз мактубини ўзбек тилига таржима қилиш борасида кўрсатган амалий ёрдами учун Италия Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонасига миннатдорчилик билдирамиз. Қўйида ушбу тарихий мактубнинг сўзма-сўз таржимаси эътиборингизга ҳавола этилмоқда.

Акmal САИДОВ,
профессор

АМИР ТЕМУРНИНГ КОНСТАНТИНОПОЛ ҲУКМДОРИГА МАКТУБИ

Прокуратор, император Кир Мануилнинг ноиб, Сандрон билан бирга жўнатган Биродар Франциск келдилар ва мактубингизни бизга келтирдилар. Биз буларни кўрдик ва ўқиб чиқдик. Сизга ушбу хат-хабарлардан катта қувонч олганимизни айтамыз. Биродар Франциск биринчи марта келганларида ҳам ўз мамнуниятимизни изҳор этган эдим; Тўғриси айтадиган бўлсак, элчиларингиз биз жойлашган ерга келсинлар, чунки биз Гердон (Боязид Йилдирим)га қарши юриш қилишимиз керак. Бу ерга келишлари билан нима қилишлари кераклигини уларга айтамыз. Биз Биродар Францискни ортига жўнатмадик, чунки Боязиддан элчи кутмоқдамиз. Боязиддан элчи келгани ва Биродар Франциск ўша элчи билан ушланиб қолгани ҳақида аниқ хабар топдик. Биродар Франциск ўша элчига Константинополь ва Пера Боязидга тўлайдиган солиқни эндиликда буюк ҳукмдор Темурга тўлашларини айтган. Биз бунга розимиз. Шу боис ҳам Боязидга босим ўтказмагандим. Энди эса, Боязид сизларни (биз томон) ўтишга қўймаётгани учун, унга қарши бораман. Агар Боязид сизга ерларингизни ва қасрларингизни қайтарса ҳамда сизларга етказган зарар учун ҳақ тўласа, мен у билан урушмайман. Агар у сизларга мулкларингизни қайтариб берса, мени мактуб орқали хабардор қилинг. Бу ҳақда очиқ ёзинг; Трапезундда биз зиммамизга олган мажбурият бўйича шубҳа қолмаслиги учун Трапезунд олдида шахсан ўзим аралашган эдим. Менга ёзганингизда очиқ ёзинг, чунки Трапезунд императори ва унинг одамлари битим ижроси бўйича ҳузуримизга келдилар. Ушбу Исаак Сизга айтадиганларидан ва мактубимда ёзилганлардан маълум бўлсинки, сиз 20 та кўп эшакли кемани олиб Трапезундга келишларингиз керак. Биз, Худони ўртага қўйиб ва унга иймон келтириб, бу ҳақда очиқ айтмоқдамиз. Ушбу мактуб 15 майда ёзилди ва ҳақиқийлигини тасдиқлаш учун муҳримизни қўйдик.

КИМ, ҚАЕРДА НИМА ЎРГАНМОҚДА?

(Давоми, аввали 1-саҳифада)

— Мактабимизда ташкил этилган компьютер тўғарада интернет тармоғидан тўғри фойдаланиш бўйича кенг тушунча берилаётди, — дейди мактаб директорининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари Тожиқул Хусанов. — Тўғрак дастури мавжуд қўлланмалар доирасида эмас, балки болаларнинг қизиқиши ҳисобга олинган ҳолда тузилгани уларнинг машғулотларга иштиёқини ошироқда.

Мактабда бошқа йўналишлар бўйича ҳам тўғраклар мунтазам йўлга

қўйилган. Энг кўп бола спорт тўғракларига қатнайдди. Мактабда спортнинг етти, маҳалла фуқаролар йиғини қошида икки тури бўйича тўққиз тўғрак фаолият олиб боради. Уларга 200 нафардан зиёд ўқувчи жалб этилган. Бу тўғраклар ишининг самараси маҳалла ёшларининг шахар, вилоят ва мамлакат миқёсидаги мусобақаларда эришаётган натижаларида ўз ифодасини топмоқда.

— Ўқувчиларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этишга шундай тизимли ёндашув фуқаролар йиғини, таълим муассасаси ва бошқа жамоат ташкилотла-

рининг ёшлар тарбиясидаги фаолиятини мувофиқлаштириш имкониятини бераётди, — дейди «Олмазор» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Норбуви Шамшиева. — Хонадонлардаги муҳитни ўрганиш давомида кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатилиб, бу хонадонлардаги ўқувчилар турли тўғракларга жалб этилди. Айни пайтда худуддаги битта интернет кафе ва битта компьютер ўйинлари шохобчаси фаолият ўрганилиб, уларни ўқувчиларнинг бўш вақтини янада мазмунли ўтказадиган масканга айлантириш юзаси-

дан тақлифлар берилди.

Айрим интернет кафеларнинг фақат тижорат мақсадини кўзлаб, болалар тарбиясини эътибордан қочираётгани жамоатчилик эътирозига сабаб бўлмоқда. Болаларнинг ёши ва миллий қадриятларимизга тўғри келмайдиган компьютер ўйинлари ўйнашга йўл қўйилаётган ҳолатлар аниқланиб, тегишли чоралар кўриляпти.

Вилоятда Соғлом бола йилида ҳам бу йўналишдаги ишларни янада яхшилаш юзасидан қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, 2014 йилда бешта туманда «Баркамол авлод» болалар ижодиёт маркази биноларини қуриш, мавжудларини реконструкция қилиш, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш режалаштирилган.

Тошқул БЕКНАЗАРОВ,
ЎЗА мухбири

■ Hududiy kengashlar faoliyatidan ■

МУТОЛААГА МЕҲР УЙФОНСА...

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 6 февралдаги «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш ҳамда ёшларни китобхонликка кенг жалб этиш мақсадида Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонасида «Китобсевар сардорлар» лойиҳаси доирасида маърифий тадбир бўлиб ўтди.

Унда умумтаълим мактабларининг энг фаол «Камолот» ва «Камалак» сардорлари ҳамда «Сардорлар мактаби» тингловчилари иштирокида шоирлар ва ёзувчилар билан ижодий учрашув ҳамда кутубхонага тантанали равишда аъзолик қабул қилиш маросими ўтказилди.

Ушбу тадбирда Ўзбекистон халқ ёзувчиси Худойберди Тўхтабоев, Ўзбекистон Миллий университети профессори, таниқли адабиётшунос Абдуғафур Расулов, ёзувчи Рустам Бойтўра, шоир Шукур Қурбон ҳамда 110 нафардан ортиқ сардорлар иштирок этди.

Тадбир давомида иштирокчи ўқувчилар ижодкорлардан керакли маслаҳатлар олдилар. Тадбир кўтаринки ва қизғин руҳда давом этди. Китобхон тенгдошларимиз эсдалик совғалар билан тақдирланди.

Ушбу лойиҳа ҳар ойда ташкил этилиши, унда иштирок этган пойтахтдаги «Камолот» ЕИХ ва «Камалак» болалар ташкилоти сардорлари Ўзбекистон Миллий кутубхонасига йил давомида аъзо бўлишлари мумкинлиги айтиб ўтилди.

Шахло АБДУҚАЮМОВА,
ЎЗДЖТУ талабаси

Мамлакатимизда жорий этилган ўрта махсус, касб-ҳунар таълим тизими ёшларга бир қанча ҳунарларни ўрганиш, ўзлари танлаган мутахассислик бўйича чуқур билим олиб, керакли қўникмаларга эга бўлиш имконини беради. Лекин бола шахсининг ривожланишида фақат ўқув режада кўзда тутилган фанларни пухта эгаллаш кифоя эмас. Бу жараёнда ўқувчининг соғлом, маънавий баркамол, дунёқароши кенг инсон бўлиб тарбияланиши алоҳида ва муҳим аҳамият касб этади.

ЎҚУВЧИ ТЎГАРАКЛАРГА БОРСИН

Шу мақсадда юртимиздаги кўпгина таълим муассасаларида спорт секциялари, турли клублар, миллий ҳунармандчилик ва бошқа тўғраклар фаолияти йўлга қўйилган. Улар ўқувчиларнинг дарсдан кейинги бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, фойдали машғулотларга жалб этиш, соғлом турмуш қўникмаларини шакллантиришга хизмат қилади.

Академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида спорт ва бошқа тўғракларни кўпайтиришга алоҳида эътибор қаратиляпти. Тўғраклар ўқувчиларнинг ёши, қизиқиши ва талабига мувофиқ равишда ташкил қилиниб, уларда йигит-қизлар асосан келгуси ҳаёти, турмуш ёки иш фаолиятида асосатидиган билим ҳамда қўникмаларни ўзлаштиради. Масалан, бугунги кунда аксарият ўрта махсус, касб-ҳунар таълим муассасаларида тикувчилик, пазандалик, кашта тикиш, ўқувчи-қизларнинг тиббий маданиятини оширишга қаратилган «Ораста қизлар» каби тўғраклар иш олиб боради. Албатта, ширин таом тайёрлаш, бичиш-тикишни келгусида оила бекаси ва она бўладиган ҳар бир қиз билиши керак. Бундан ташқари, фарзандларни тарбиялаш ва вояга етказишда онадаги тиббий маданият даражаси ҳам асосий роль ўйнайди. Буларнинг барчасини қизларимиз ҳали лицей ёки коллежни битирмасданок ўрганиш имконига эга.

Юртимизда миллий ҳунармандчиликнинг бой анъаналарини сақлаб қолишга катта эътибор қаратилаётган бир пайтда, ёшларда миллий ҳунар турларига қизиқиш тобора ортиб бораётгани ҳам қувонарли ҳолдир. Бугунги кунда каштачилик, қорқчилик, зардўзлик, попоп тикиш, ёғоч ўймакорлиги, лак миниатюраси, қандақорлик, қўғирчоқсозлиқ каби ажодларимиздан мерос бўлиб қолган ҳунарларни ёшлар нафақат моҳир уста-ҳунармандларга шогирд тушган ҳолда, балки ўзлари ўқиётган таълим муассасасида ҳам бемалол ўрганапти. Ана шундай тўғраклар тарбиявий аҳамията эга эканини ҳам эсдан чиқармаслик керак. Зеро, бунда йигит-қизлар ҳунарли бўлиш бир қаторда, шу ҳунар воситасида ажоддан-авлодга ўтиб келаётган бебаҳо маънавий мерос, халқимизнинг бой тарихи, миллий тафаккури, дунёқароши, турли худудларга хос миллий анъаналар, маҳаллий халқ этнографияси ҳақида маълумотга эга бўлиб боришади. Натижада ёшларда миллий қадриятларга ҳурмат ва қизиқиш уйғонади.

Ўқувчи-ёшларни турли тўғраклар ва спортга жалб этишда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг ҳам салмоқли ҳиссаси бор. Айни пайтда републикамизнинг барча академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида Ҳаракатнинг бошланғич ташкилотлари фаолият кўрсатмоқда. Кўпинча бошланғич ташкилот етакчи ва фаолларининг ўзлари ташаббус кўрсатиб тўғраклар очишади. «Камолот»чилар орасида тўғракларни ташкил этишгина эмас, улардаги машғулотларни олиб бориш тажрибаси ҳам кенг тарқалган. Масалан, охириги йилларда мамлакатимизда хорижий тилларни ўқиш ва ўрганишга бўлган талаб ортганини инобатга олган ҳолда, аксарият таълим муассасаларида «Камолот» ЕИХ фаолларининг саъй-ҳаракати билан инглиз тили тўғраклари, лингвистик клублар иш бошлади. Бундай тўғрак ва клубларда машғулотларни хорижий тилларни пухта эгаллаш ёшларнинг ўзлари, кўнгилли равишда тенгдошлари учун бебул олиб боришади. Худди шу каби, спортнинг жуда кўплаб турлари бўйича спорт тўғраклари ва секциялар ҳам айнан «Камолот» ЕИХ бошланғич ташкилотларининг тақлифлари асосида ташкил этилмоқда.

Мухтабар ҚОДИРОВА,
Тошкент педагогика коллежи ўқитувчиси

КАСБДАН ТОПИЛГАН ИҚБОЛ

Файзулла Мирзоолимовдаги техникага қизиқиши ва қобилият ўз-ўзидан пайдо бўлиб қолган эмас. Отаси Тешавой ака қирқ йилдан ошқ ҳайдовчилик қилган. Тезроқ катта бўлиш ва машина рулига ўтириш иштиёқи билан улғаяр экан, тақдир уни бошқа бир касб ва ҳунар билан сийлади. Ўн етти ёшида, яъни 1979 йилда Тошкент метрополитени ер ости иншоотлари хизмати цехида меҳнат фаолиятини бошлади.

МЕТРОПОЛИТЕНДАГИ ФАОЛИЯТ

Пойтахтимиз аҳолиси ва унинг меҳмонлари Тошкент метросига тушар экан, ундаги мўтадил иқлимдан роҳатланади, миллий меъморлик санъати, йўловчиларга яратилган қулайлик ва бошқа гўзалликлардан баҳра олади. Уларнинг ортида қанчадан-қанча фидойи инсонларнинг заҳматли меҳнати бор.

Файзулла Мирзоолимов қарийб ўттиз йил давомида

пойтахтимиз метросининг бекаму кўст, кўнгилдагидек ишлаши йўлида хизмат қилди.

Ҳамкасблари, ёру дўстлари, яқиндан таниган-билганлар Файзулла аканинг номини тилга олганда ёки эшитганда беихтиёр юзларида табассум жилваланади. Негаки, у киши ўз ишининг устаси, моҳир машинист бўлиш билан бирга, кўнгли очик инсон ҳамдир.

— Ҳали-ҳануз қулоқларим остида жаранглаб туради.

Онамиз Инобат ая юртга тинчлик, хотиржамлик, элу юртга фаровонлик тиларди, — дейди Файзулла Мирзоолимов. — Бизни дуо қилар экан, ҳаммиша ҳалол нон топинглар, оилаларинг, фарзандларингга ҳалол ризқ едилинглар, инсофли, диёнатли бўлинглар ва авлодларингни ҳам шундай тарбияланглар, дерди. Ҳаётим давомида онамнинг сўзларига амал қилишга, тўғри бўлишга, фарзандларимга ҳам шундай тарбия беришга ҳаракат қилдим. Ёшлигимдан машинист бўлишни орзу қилганман. 1979 йилда Тошкент метрополитени ер ости иншоотлари хизматида АГМ ҳайдовчиси бўлиб ишга кирганман. Йигирма саккиз йил шу соҳада сидқидилдан меҳнат қилдим, ҳаётни, одамларни ўргандим, яхшилик қилишни, яхшиларга ёндошишни умримнинг мазмуни-

га айлангандим.

Бугун Файзулла ака умр мазмунини фарзандлар камолида, ўзининг касбдан топган иқболида деб билади.

УМР МАЗМУНИ

У кишидан, ҳаётда, ишда инсонга тўғри йўл кўрсатадиган, истиқболли уфқлар сари йўллайдиган устозлар ҳақида гапириб беринг, дедик.

— Албатта, ҳаёт йўлларимда бундай инсонлар кўп бўлган, билмаганларимни ўргатишган, ҳаттоларимни тузатишган. Юра Наумов, Миша Мирақбаров, темир йўлда машинист-ҳайдовчи Фаффор Валиев сингари яхши одамларни ҳаётимда устоз мақомидаги инсонлар деб айта оламан. Қолаверса, ўзим ҳам йиллар давомида кимларгадир ёрдам бердим, кимларнидир етакладим. Шогирдларим деб айтишим мумкин

бўлган Шухрат Тўлаганов, Хусниддин Одилов, Анвар Тўлаганов, Элёржон Сирожиддиновни фахр билан тилга оламан. Абдулла Олимов, Тўлқин Набиев, Жения Глобин, Миша Носов, Абдумалик Раҳимов каби ҳамкасбларимнинг номларини эҳтиром билан айтиб ўтишни истардим.

Ҳа, одамнинг нияти тўғри бўлса, у албатта ижобат бўлар экан. Яхшиликни касб этган Файзулла ака умр мазмунини шундай деб ҳисоблайди. Эл-юртга хизмат қилишни ҳаёт мезони деб билади. Бу мезон Тошкент метрополитени, АГМларни таъмирлаш устаси, кўп йиллик ҳаётий тажриба эгаси Файзулла Мирзоолимовнинг умр осмонида қуёшдай порлаб турибди!

Озода БЕКМУРОДОВА,
журналист

Adabiyotga e'tibor — ma'naviyatga, kelajakka e'tibor



ТУХФА

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ташаббуси билан «Адиб» нашриётида «Истиқлол илҳомлари» рукнида «Озод Ватан саодати» номли беш жилдли мажмуа нашр этилди. Ёзувчилар уюшмасида бўлиб ўтган тантанали тадбир ушбу мажмуанинг тақдими тўғрисида баҳшланди.

Унда шоир ва ёзувчилар, адабиётшунос-мунаққидлар, бадий публицистика жанрида қалам тебратётган ижодкорлар ва драматурглар жам бўлди. Бунинг сабаби бор, албатта. Негаки, мажмуанинг ҳар бир

жилди алоҳида йўналишдаги адабий асарлардан иборатдир. Яъни уларда давлатимиз мустақилликка эришгандан кейинги йилларда ёзилган шеърий, насрий, бадий публицистика, адабиёт-

шунослик ва драматургияга оид асарлар ўрин олган.

— Кейинги йигирма йилдан ортиқ вақт давомида юртимизда барча соҳаларда оламшумул янгилıklar юз берди, жумладан, миллий адабиётимизда ҳам, — деди тақдирот маросимини очиб берган Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Али. — Бунга ишонч ҳосил қилиш учун шоир ва адибларимизнинг мустақиллик йилларида яратган асарларини мутолаа қилишнинг ўзи кифоя. Уларда чинакам қалб ҳарорати, истиқлол берган имкониятлар, янги даврнинг озод нафаси сезилади.

Тадбирда иштирок этган ижодкорлар ҳам ўз дил сўзларини айтишди.

— Бугун мен болаларимизнинг, ёшларимизнинг адабиётга талпинишдан хурсанд бўламан, — деди Ўзбекистон халқ ёзувчиси Худойберди Тўхтабоев. — Ушбу китоблар улар учун жуда катта совға бўлди.

Таниқли мунаққид Умарали Норматов ушбу «беш жилдли»ни «ўзига хос «Хамса», дея лутф қилган бўлса, адабиётшунос олим, академик Бахтиёр Назаров уларнинг ҳар бирини узоқ йилларга қоладиган китоблардир, дея таърифлади.

Ҳар бир жилди 3000 нусхадан чоп этилган «Озод Ватан саодати» мажмуаси мамлакатимизнинг кўплаб маърифат ва маданият масканларига туҳфа қилиниши, қаламқашларнинг ўзига хос ижодий ҳисоботлари тарзида мажмуанинг ҳар беш йилда нашр этиб борилиши маълум қилинди.

Элмурод НИШОНОВ,
«Turkiston» мухбири

Bolalar sporti

ГОЛИБЛАР РЕСПУБЛИКА БОСҚИЧИДА

Навоий вилоятида «Камолот» ЁИХ вилоят кенгаши, вилоят халқ таълими, ўрта-маҳсус, касб-ҳунар таълими бошқармалари, болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳудудий филиали ва вилоят шахмат федерацияси ҳамкорлигида «Камолот» шахмат тахтаси мусобақасининг навбатдаги босқичи бўлиб ўтди.

Унда 7 ёшдан 19 ёшгача бўлган юз нафар ёш спортчи куч синашди.

Мусобақада 8 ёшгача бўлган спортчилар ўртасида Тошмурод Тилавов ва Дилнура

Раббимова, 12 ёшгача бўлганлар ўртасида Меҳриддин Йўлдошев ва Ситора Сапарова, 14 ёшгача бўлган спортчилар ўртасида Аъло Ҳасанов ва Озода Рўзиқулова, 16 ёшли-

лардан Муҳаммад Умурзоқов ва Маржона Ўктамова, 19 ёшлилар ўртасида эса Муродбек Ражабов ва Гулзода Облаева биринчи ўринни эгаллади.

Иштирокчиларга диплом ва эсдалик совғалар топширилди. Голиблар мусобақанинг республика босқичига йўлланма олди.

Дилқушо НАВРЎЗОВА,
Навоий вилояти

Hamroh

МАТНЛАР, ҚАЙДЛАР, ҲИКМАТЛИ СЎЗЛАР

Ўзбекистон Республикаси «Тасвирий ойна» ижодий уюшмаси «Соғлом бола йили»да тасвирий воситалар орқали амалга ошириладиган маънавий-маърифий, тарғибот-ташвиқот ишларида қўлланиладиган матнлар, қайдлар, ҳикमतли сўзлар, халқ мақоллари ва шiorлар учун «Тавсиялар» қўлланмасини чоп этди.

«Соғлом бола — ёруғ келажакимиз» номли мазкур тавсиялар саҳифаларида Президентимиз асарлари ва маърузаларидан олинган қайдлар, донишмандларнинг ибратли иборалари, халқ мақоллари, шеърий мисралар, Ватанни улуғлаш, мустақилликни мустаҳкамлаш, маънавий қадриятларни эъзозлаш ҳамда баркамол авлодни вояга етказишга ундовчи пурмаъно ҳикматлар жамланган.

Ижтимоий рекламалар тайёрлашда янги қўлланманинг «Соғлом бола — ёруғ келажакимиз», «Янги авлодни соғлом ва баркамол қилиб вояга етказиш сиёсатимизнинг устувор йўналишидир», «Юксак маънавият — жамият тараққийотининг асоси», «Аёлни улуғлаш оилани, Ватанни, ҳаётни улуғлашдир», «Наврўз — халқ шодиёнаси!», «Муҳаммад Юсуф — она Ватан ва истиқлол куйчиси», «Баркамол авлод — 2014» — ёшлик, гўзаллик ва спорт байрами», «Энг улуғ, энг азиз байрам!», «Конституция — демократик янгиланишларнинг ҳуқуқий кафолати», «Ўзбекистон — умумий уйимиз», деб номланган бўлимларидаги матнлардан фойдаланиш тавсия этилади. Улардан марказий кўчалар, бозорлар, хиёбонлар, бекатлар, автотранспорт воситалари, темир йўл ва метро вагонлари ҳамда одамлар гавжум бўладиган, оммавий тадбирлар ўтказиладиган манзилларга ўрнатиладиган баннерлар, плакатлар ва бошқа тасвирий-тарғибот воситаларини тайёрлашда фойдаланилади. Шунингдек, тавсиялардан вазириликлар, давлат кўмиталари, агентликлар, концернлар, уюшмалар, бирлашмалар, банклар, компаниялар, марказий муассасалар, маҳалла, таълим муассасалари ва жамоат ташкилотлари маънавий-маърифий тасвирий-тарғибот воситаларида кенг фойдаланишлари мумкин.

Дилмурод ҚИРФИЗБОЕВ

■ Davlat dasturi amalda ■



ЁШ ОИЛАЛАР ШИНАМ УЙЛАРГА КЎЧИБ ЎТДИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чоратadbирлар тўғрисида» ва «Соғлом бола йили» Давлат дастури тўғрисида»ги қарорлари мамлакатимизда ёшлар сиёсатини ҳар тарафлама юқори босқичга кўтариш йўлида қилинаётган амалий саъй-ҳаракатлардир.

Тошкент вилоятида «Соғлом бола йили» Давлат дастури доирасида ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, она ва бола саломатлигини мустаҳкамлаш, улар учун зарур шарт-шароитларни яратиш мақсадида ушбу йилда намунавий лойиҳалар асосида 1050 та уй-жой қурилиши жадал олиб борилаётган бўлса, айни бир пайтда 192 та ёш оиллага уй-жой қуриш ва мамлакатимизда ишлаб чиқарилган, узоқ муддат фойдаланиладиган истеъмол товарларни харид қилиши учун фоизсиз кредитлар ажратиш изчил давом эттирилмоқда.

Ана шундай саъй-ҳаракатлардан бири яқинда вилоятнинг Ангрэн шаҳрида зўр шодийналик билан кутиб олинди. Кувонарлиси шуки, Ангрэн шаҳрида 65 хонадонли кўп қаватли уйлар қайта реконструкция қилиниб, ёш оилаларга тухфа этилди. Ушбу уйларни қайта реконструкция қилишда «Ўзбекўмир» ОАЖ корхонаси ишчиларининг, фидойи таъмирловчиларининг ҳиссаси каттадир. 65 хонадонга мўлжалланган мазкур уйлар бир, икки, уч хонали тураржойлардан иборат бўлиб, уларнинг ҳар бири замонавий услубда реконструкция қилинганлиги билан киши диққатини ўзига тортади. Албатта, ҳукуматимизнинг ёшларга кўрсатаётган ғамхўрлиги чексиз. Зотан, мазкур уйлар ёш оилаларга имтиёзли ипотека кредитлари асосида фойдаланишга топширилди.

Шу куни хонадон соҳибларининг қувончи чексиз эди. Фурсатдан фойдаланиб, уларнинг қувончига шерик бўлди.

— Президентимизга минг раҳмат. Биз, ёш оила соҳибларига берилаётган юксак эътибор туфайли қулай ва шинам уйларда яшаш имконига эга бўлдик, — дейди Дилбар Ҳасанова. — Кўркам ва замонавий услубда жиҳозланган бундай хонадонлар ҳар бир ёш оила аъзоларининг баҳри-дилини яйратади. Завқ билан яшашга ундайди.

— Мен ўзимнинг турмуш ўртоғим ва уч фарзандим билан янги уйга кўчиб ўтдим. Хурсандчилигимни сўз билан ифода қилиш қийин, — дейди ёш оила соҳибани Анвар Абдурасулов. — Мана шундай замонавий уйимиз бўлишини кўпдан бери орзу қилардик.

— Ўз уйинг бўлгани қандай яхши. Буни мен янги уйга кўчиб ўтганимизда янада теранроқ ҳис этдим, — дейди Гулҳаё Бегматова. — Айниқса, уй бекалари учун яратиб берилган қулай шарт-шароитларга асло гап йўқ. Бу борада аёллар, ёш оналарнинг рўзгор ташвишларини енгиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилган. Бундай уйлар биз, аёллар учун қилинаётган ғамхўрликнинг ёрқин ифодасидир.

Ёшларга янги уйларни топширишга бағишланган тантанали маросим байрам тусини олди. Унда шаҳар ҳокимлиги мутасаддилари, «Ўзбекўмир» ОАЖ корхонаси ишчи-ёшлари, «Камолот» ЁИХ фаоллари, жамоатчилик вакиллари жамулжам бўлди. Янги уйлар калитини хонадон соҳибларига «Камолот» ЁИХ вилоят кенгаши раҳбари Оллокул Худойбергенов топширди.

Ашурали БОЙМУРОД,
«Turkiston» мухбири

■ Zulfiya nomidagi Davlat mukofoti sovrindorlari ■

ИҚТИДОРГА БЕРИЛГАН БАҲО

Аслида ўзбек қизларининг ичида рақсни билмайдиган, миллий куй ва қўшиқларимиз янграганда маромига етказиб хиром айламайдигани топилмайди. Чунки санъатга иштиёқ уларнинг қонида бор. Албатта, ўйин тушган барча қиз ҳам раққоса бўлиб кетавермайди, бироқ аёлларга хос назокату нафосат, латофату малоҳат улар билан бир умрга қолади: гўзалликка, санъатга бўлган ошуфталик туфайли.

Жорий йилда Зулфия номидаги Давлат мукофотига сазовор бўлган Нилуфар Юсупова ҳам болалагидан телевизор ёки радиода қандай шўх қўшиқлар эшитса, рақсга тушиб кетар, қўшни кампирлар ҳавас билан онаси Раъно опага: «Шу қизингдан бир нарса чиқади, Раъно, уни ўқитинглар», дейишарди. Кўпни кўрган момоларнинг башоратлари ўзини оқлади. Нилуфар ўн ёшидаёқ илк бор катта сахнага чиқди.

— Менинг қизимга ўхшаган ёшларнинг интилиши, иқтидори бугун ерда қолмаяпти, — дейди Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳибаси Нилуфар Юсупованинг онаси Раъно Юсупова. — Бунинг учун Юртбошимиздан миннатдорман. Президентимиз ёшларга, фарзандларимизга оталарча ғамхўрлик қилмоқдалар. Нилуфарнинг нуфузли мукофотга лойиқ кўрилиши фақат мени эмас, сурхондирёлик барча хотин-қизларни беҳад қувонтирди. Буни кўча-кўйда, таниш-нотаниш кишиларнинг табрикларидан, илиқ сўзларидан сездим. Аёллари, қизлари ардоқланаётган, қўллаб-қувватланаётган юртда яшаётганимдан ўзимни жуда бахтли ҳис қилмоқдаман.

Термиз санъат коллежининг учинчи босқичида таҳсил олаётган Нилуфар уста санъаткорлар сабоғини олаяпти. Ўзбекистон халқ артисти Маъмура Эргашева, устоз санъаткорлар Лутфия Рўзибоева, Шоира Қурбонова-лар Нилуфарнинг нафақат санъатдаги, балки ҳаётдаги устозлари ҳамдир.

Нилуфар устозлари кўмагида «Муножот», «Тановар», «Роҳат», «До-



ЎЗА сурати

ира», «Сурхонча», «Кўфирчок» сингари кўплаб рақсларни ўрганди. У бугунги кунда ўз истеъдодини ҳам юртимиз, ҳам хориж сахналарида намойиш этаётир. Масалан, 2013 йилда Туркияда бўлиб ўтган халқаро фестивалда қатнашиб, биринчи ўринни кўлга киритди. Шу йилнинг июль ойида Францияда ўтказиладиган халқаро фестивалда қатнашиб, яна олий ўринни кўлга киритишни ният қилмоқда. Сентябрь ойида эса Малайзияда ташкил этиладиган халқаро фольклор фестивалига бориб, юртимиз санъатини жаҳонга кўз-кўз қилишга астойдил ҳаракат қилмоқда.

— Зулфия номидаги Давлат мукофотини кўлга киритиш мен каби барча ўзбекистонлик қизлар учун шарафдир. Энди бундай юксак ишончни оқлаш, етук санъаткор бўлиш учун яна ҳам кўпроқ излани-

шим, билим олишим шарт. Келгусида элимиз севган санъаткорлар Мукаррама Турғунбоева, Тамарахоним, Маъмура Эргашева сингари машҳур санъаткор бўлиб етишиб, миллий рақсларимизни жаҳон сахналарида ижро этиш ниятидаман, — дейди Нилуфар Юсупова.

Давлатимиз раҳбари раҳнамолигида адабиёт, маданият, таълим, санъат ва спорт йўналишларида алоҳида ютуқларни кўлга киритган қизларнинг муносиб тақдирланаётгани юртимизда хотин-қизларга қаратиладиган юксак эътибор намунасидир. Ёшларнинг халқаро фан олимпиадалари, кўрик-танловлар, спорт майдонлари, сахналарда эришаётган ютуқлари бу эътибор ва ғамхўрликнинг меваси, десак асло муболаға бўлмайди.

Наргиза РАҲМАТУЛЛАЕВА,
«Turkiston» мухбири

МИЛЛИЙЛИК ВА ЗАМОНАВИЙЛИК РИШТАСИ

ёхуд йўл ёқасидаги ўтов

Qadriyat

Пойтахтимизнинг Сирғали тумани ҳамда

Қўйлиқ бозорини туташтирувчи магистрал серкатнов йўлларидан бири. У ёқдан-бу ёққа гиз-гиз ўтаётган машиналар ҳайдовчиларининг бутун диққат-эътибори йўлда.

Ҳар ким кўзлаган манзилига шошади. Шу йўл ёқасига тикилган ўтовни биров кўради, биров пайқамай ўтиб кетади. Бунинг устига анчагина бўй чўзиб қолган арчалар ўтовни кўздан пана қилади...

ЎТОВ ҚАЕРГА ТИКИЛАДИ?

Одатда ўтовни бир худуддан иккинчи худудга кўчиб юрадиган элатлар, уруғлар, шунингдек, чорвадорлар дала-дашт, қир-адир, кенгликларда табиий шарт-шароитга қараб ўзларининг кўчиб юришлари учун йиғишга қулай тарзда тикишган. Қахратон қишда иссиқ, ёзнинг жазирамасида салқинлиги билан жонга ҳузур берувчи ўтов халқ тафаккурининг меъвасидир.

Ўтовдан асосан юртимизнинг Сурхондарё, Қашқадарё вилоятларида, шунингдек, Навоий вилоятининг айрим худудларида, Хоразм, Қорақалпоғистонда ҳозир ҳам кўп фойдаланилади. Аммо биз сизга ҳикоя қилмоқчи бўлган ўтов шаҳарда, аниқроғи, пойтахтимизда катта кўчалардан бирининг бўйида тошкентлик Нуриддин Алиев томонидан тикланган.

Нуриддин Алиевни ҳамюртларимиз ноёб кушлар, ҳайвонларни парвариш қилувчи орнитолог-мутахассис сифатида яхши биладилар. Унинг бошқа қизиқишлари ҳам борлигини ўтовига келганда билдик. Ўтов ўзига хос жиҳозланганлиги билан қизиқишимизни янада орттирди.

ОХАНРАБОСИ НИМАДА?

Ўтовга кирган киши ўзига жуда таниш, қадрдон бўлиб қолган масканни эслатувчи илиқлик ва самимий муҳитни ҳис этади. Гарчанд баъзи буюмлар, ашёларни биринчи марта кўриб турган бўлса ҳам, улар ҳақида аввалдан биладигандай таассурот уйғонади. Балки бу аждодларимиз турмуш тарзини бир зум бўлсада ҳис этиш, тасаввур қилишдир. Қолаверса, ўтовнинг бошқа биноларда учрамайдиган ўзига хос хусусиятлари борки, улар нафақат халқимиз, балки хорижий меҳмонларни ҳам миллий маданият-тимизнинг ноёб намунаси сифатида жуда қизиқтиради. Хўш, ўтовнинг ўзига тортадиган қандай хусусиятлари бор?

Маълумки, қардош халқларда ҳам ўтов тикилади. Шунингдек, хорижда, хусусан, Европада мамлакатларида ўтовга

яқинроқ бўлган кўчма уйлارнинг (палаткалар, вагон уйлар) турли шакллари, кўринишлари яратилган. Унда сайёхлик, кўчиш, вақтинчалик яшаш билан боғлиқ қатор жиҳатлар ҳисобга олинган. Шунга қарамай, мазкур кўчма уйлarning хаммасини ҳам ўтовдай экологик соф ёки қулай деб бўлмади. Асосийси, улар вақтинчалик яшашга мўлжалланган. Бир жойдан иккинчи жойга кўчириб турилса ҳам, ўтов барибир доимий яшаш манзили ҳисобланади. Қадимдан ота-боболаримиз ўтовда миллий маданият ва маънавиятни, ўзига хос турмуш тарзини акс эттириш билан бирга, унда яшаш, кундалик турмушнинг барча жиҳатларини инobatга олганлар. Ўтов тикишга ишлатиладиган ҳар бир қурилиш ашёси, буюмнинг ўз ўрни, ўзига хос маъноси бўлиб, улар аниқ мақсадга хизмат қилади.

МИЛЛИЙЛИК ВА ЗАМОНАВИЙЛИК: ҚАЙ БИРИ УСТУН?

Одатда шаҳар ўзида яшаш тарзининг маданиялашган, замонавий шаклини ифода этади. Унинг муҳим хусусиятларидан бири аҳолининг бир жойда доимий, ўтроқ яшаш билан белгиланади. Шунинг учун одамлар яшайдиган уйлар, турли кўринишдаги маъмурий бинолар муайян худуд меъморчилик қонуниятлари асосида қурилади. Ҳозирги шаҳарларнинг аксарияти шундай бўлиб, унда мавжуд давр, ўша худуд аҳолисининг турмуш тарзи, мақсадлари ва маслағи билан боғлиқ барча жиҳатлар акс этади. Аммо миллий меъморчиликнинг ўзига хос намунаси бўлса-да, шаҳарда ўтов тикилмайди. Амалий жиҳатдан ҳам у ўзини оқламади. Шунга қарамай, баъзи кишилар яшаш тарзида миллийликни сақлаб қолишга интилиб, миллий анъаналарни замонавий шароитга мослаштирадilar. Нуриддин Алиев ҳам ана шундай инсонлардан бири. У йўл ёқасига ўтов тикиш орқали анъанавийликка ноанъанавийликни олиб киришни мақсад қилган. Бу ҳақда унинг ўзи шундай дейди:

— Баъзи нарсалар ўзининг тақдорини, ноёблиги,

ноанъанавийлиги билан қадрли. Мен эса доимо анъанавийликдан ноанъанавийликни қидираман. Устюртга сафар қилганимда, чўпонларнинг ўтовда тўхтаб, бироз хордиқ чиқаришга тўғри келди. Ташқарида жазирама, одамни лоҳас қиладиган даражада иссиқ пайтда, ўтов ичининг салқинлиги мени қизиқтириб қўйди. Ўтов ҳақида сўраб-суриштирдим, у билан боғлиқ маълумотларни тўпладим, ўргандим, охири, Тошкентда ўтов тикишни ният қилдим. Вақти соати билан, кўриб турганингиздай бу ниятни амалга оширдим. Ўтган-кетган йўловчилар шу ерда бир дам тўхтаб, хордиқ чиқаришлари, ўтовнинг қандайлигини билишлари, ота-боболаримизнинг яшаш тарзи ҳақида тасаввурга эга бўлишлари мақсадида ўтовни йўл бўйида тикдик. Чунки ҳамшаҳарларимиз орасида бир умр шаҳардан ташқарига чиқмаганлар бор. Баъзилар қишлоқларга, дала-даштларга боришга имкон тополмайди. Айниқса, болаларимиз бундай ўтовларни фақат телевизор орқали кўрадилар. Ваҳоланки, кимларгадир ноёб бўлган бу каби уйларда ота-боболаримиз неча асрлар яшаган. Шу ўтовни тиклаш орқали миллий буюмлар, урф-одатларимиздан болаларимиз, таниш-билишлар, қолаверса, йўлда тўхтаб ўтадиган йўловчиларни бохабар қилгим келди. Бутун эътиборни миллий ўзига хосликни сақлашга қаратдим. Имкон қадар, табиий, маҳаллий хомашёлардан фойдаландим. Ўтовнинг асосий тиргаги ёнғоқдан, вассалари теракдан. Ичига қопланган барча матолар ҳаво ўтказмади, табиий матолар, уларни миллий хунаромандларимиз тўқиган. Масалан, ерга тўшалган кигиз, унинг устидаги шолчаларни хунаромандларга буюртма бериб, ўтов учун махсус тўқиттирдим. Уни безаш ва жиҳозлашда ҳам миллий, айниқса, қадимий буюмларни топишга ҳаракат қилдим.

МУЗЕЙМИ ЁКИ?..

Ўтов ташқаридан қараганда бироз кичкина бўлганлиги боис, йўлдан ўтганда бирдан кўзга ташланмайди. Аммо унинг ичкариси анча кенг ва шинам.. У ердаги ҳар бир буюм қадимий, аждодларимизнинг миллий турмуш тарзини ифода этади. Эшикдан кирверишда мис кумғон, обдаста ва чиловчин (қўл ювгич) қўйилган бўлиб, келган меҳмоннинг қўлига сув куйилади ва хона тўрига таклиф қилинади. Ўтовнинг тўрида узунлиги тўрт метр келадиган ёйсимон хонтахталар қўйил-

ган. Уларнинг атрофида бемалол ўн-ўн беш киши ўтирса бўлади. Одатда хонтахталар тўртбурчак бўлади, бу ердаги ёйсимон хонтахталар хонанинг шаклига мўлжалланиб, ўтов учун махсус ясалган. Унинг устига қирғоқлари хошиялар билан безатилган оппоқ дастурхон ёзилган. Хонтахтанинг атрофида бир хилда бухоролик хунаромандлар тикиб, қавиган духоба кўрпачалар тўшалган, суяниб ўтириш учун ёстиқлар қатор терилган. Эътиборли жиҳати, ўтовнинг ички деворига тортилган мато, хонтахта атрофида тўшалган кўрпачалар, ёстиқлар матосидаги тўртбурчак нақшлар бир-бирига жуда ўхшайди. Бу нақшларни Нуриддин аканинг ўзи чизган. Уни шунчаки ўтов деб бўлмайди. Матолар, жиҳозлар, буюмлар ўртасидаги уйғунлик кирган одамда илиқ таассурот қолдириш билан бирга, унга осойишталик, хотиржамлик кайфиятини беради. Кўрпачаларга бир зум хордиқ чиқариш учун ўтиришингиз билан мезбон сизга сув тутади. Қўлингизда оддий пиёла ёки коса эмас, айнан сув ичишга мўлжалланган кумуш идишдаги булоқ суви руҳингизни тетиклаштиради.

Ўтовга кирганда чап тарафда турган катта тошойна Япониядан келтирилган бўлиб, унинг атрофидаги садаф тошлар ўтовга ёруғликнинг тушишига қараб товланади. Унинг ёнида катта шахмат тахтаси ва атрофида иккита қадимий курси қўйилган. Ўтов эшигининг ўнг бурчагида замонавий ресторанларни эслатувчи катта ёйсимон стол бор. Унинг ички тарафда турли ҳажм ва шаклдаги идиш-товоқлар, рўзғор буюмлари терилган. Ҳаммаси қадимий, ўзига хос. Масалан, қошиқлар ёғочдан, сочикларнинг боғичлари адрасдан тайёрланган, пичоқларнинг соплари нақшинкор. Столнинг олд тарафига эса бир нечта катта хум қатор терилган. Уларда гуруч, мош, мой сақланар экан. Нуриддин aka ота-боболар хумлардан нима мақсадда фойдаланганларини тушунтира кетди. Столнинг орқа тарафига яна бир катта стол ва курсилар қўйилган бўлиб, стол устидаги нон соладиган идишдан тортиб, ликопчаю пиёлалар ҳам ўзига хос. Эътиборимизни катта мис патнис тортди. Унинг ичига еттига чуқур тақсимча ўйиб ишланган, ҳар бирининг усти қуббасимон махсус қопқоқ билан ёпилади. Уларнинг ичига эса миллий дастурхоннинг меҳмон олдиға яхши ният билан қўядиган неъматлари, майиз, ёнғоқ, туршак, новвот, нўхат, ҳолва ва асал солинган. Ўтовга кир-

ган киши ушбу неъматлардан яхши ният билан татиб кўради. Ўтов деворларида осилган суратлар ҳам ажойиб. Масалан, қоп-қора матога солинган суратда бир қарашда ҳеч нарсани кўрмайсиз. Бироз ўтгандан кейин ўтовнинг ичига тушган ёруғликка қараб суратдаги тасвир кўринади ва ёруғликнинг ҳаракатига қараб сурат шакли ҳам ўзгаради. Нуриддин aka ҳар бир жиҳоз, буюмнинг тарихидан тортиб, ўзига хос хусусиятлари ҳақида ҳикоя қилишдан, саволларимизга жавоб беришдан чарчамайди.

Бу ҳикояларни эшитган сари, яна савол туғилади. Шунча нарса фақат қизиқиш учун қилинмагандир? Чунки ўтовнинг ичида тайёрланган жойлар, хумлардаги гуручлару мойлар фақат кўрғазма учун эмасдир?.. Ушбу саволларга Нуриддин aka шундай жавоб берди:

— Ҳайвонлар, паррандалар, кушлар билан шуғулланишимни биласиз. Уларни кўпайтиришдан ташқари, тадбиркорлик ҳам қиламан. Ўтов жойлашган худуд аслида менинг ишхонам. Чорвачилик, йилқичилик билан шуғулланамиз. Яқиндан бошлаб туя бокиб, сут олишни йўлга қўйдик. Туя сути дўконда сотилганини кўрганмисиз? Эҳтиёжмандлар сутни шу ердан олиб кетишади. Аввалига шунчаки қизиққанам учун ўтов тикдим, жиҳозладим. Кейин ундан бошқалар ҳам баҳраманд бўлишлари керак, деб ўйладим. Шунинг учун иш билан боғлиқ учрашувларни кўпроқ шу ерда ўтказадиган бўлдим. Одамлар кўрсин, баҳра олсин, дедим. Баъзан ёр-дўстлар бир-бирлари билан дийдорлашиш, бир пиёла чой устида гурунглашиш учун буюртма беришса, йўқ демаймиз. Уларнинг истакларига қараб палов ёки бошқа исталган таомни ҳозирлаб беришимиз мумкин. Аслида ундан келадиган фойда ҳатто харажатларни қопламайди ҳам. Чунки кўриб турганингиздай кичкина жой. Бунинг устига ҳар қуни одам келмайди. Баъзида икки-уч кунда, баъзида бир ҳафтада бир марта буюртма тушиши мумкин. Муҳими бу эмас. Мақсад одамларни миллий ўзлигидан узоқлашиб кетмасликка ундаш, миллий маданиятни сақлаш, ривожлантириш ва ёйишга оз бўлса-да ҳисса қўйиш. Ўтовнинг эшиги фақат яхши ниятлар билан келувчилар учун доимо очик.

Нуриддин аканинг қизиқарли ҳикояларини тинглаб бўлиб, ўтовдан кўчага чиқдик. Шаҳарга оқшом чўка бошлаганига қарамай, катта магистрал йўлдаги машиналар оқими бир дам сусайгани йўқ. Биз ҳам ўша оқимга қўшилдик. Йўл ёқасида шаҳар билан қишлоқни, миллийлик билан замонавийликни боғлаб турган ришта — ўтов бизни кузатиб қолди. Буни биздан бошқа йўловчилар пайқамайди ҳам.

Назира ҚУРБОН,
журналист

Kitob javoningizga

ОТАСИННИНГ БАХТЛИ ҚИЗИ

«*Ўн саккизга кирмаган ким бор*», «*Тўлқинлар*», «*Бодом қишида гуллади*», «*Қил кўприк*», «*Қора калмар*», «*Ўқилмаган саҳифа*», «*Оғир тош кўчса*» каби асарлардан қай биринингдир номи тилга олинганда китобхонлар беихтиёр Шукур Холмирзаевни эслайди.

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Шукур Холмирзаев ўзбек миллий адабиётининг улкан вакили эди. Унинг ёзганлари ўқилганда киши хотирасида узоқ сақланиб қолади. Бир умрга қалб мулкига айланади. Бетақдор, машҳур китоблар. Асарларини яхши билганимиз боис биз, ўзбек китобхонлари ёзувчига нисбатан «Шукур Холмирзаевни билмайдиган одам борми?!» дея гурурланиб қўямиз. Аммо бу ижодкорнинг кўнгли мулки — асл кечинмаларидан кўп ҳам бохабар эмасмиз.

Севимли ёзувчимизнинг кундалиги, қисқа қайдлари, мактублари — буларнинг бари китобхон учун қизиқ.

Филология фанлари номзоди, доцент Сайёра Холмирзаева, отаси — атоқли ва ардоқли ёзувчи Шукур Холмирзаевнинг ҳаёти ва ижодини ўрганиш, хотирлаш ва

ёдга олиш мақсадида, фарзандлик эҳтироми ифодаси сифатида «Қайтмас дамлар» номли китобини китобхонларга тўхфа этди.

Китоб ёзувчининг ушбу сўзлари билан бошланади:


«Сен бутун умр менга маслақдош бўлиб, бир ижодкор сифатида ҳурмат қилиб келдинг, ёдингда тут, бундан кейин ҳам Сенгина Менинг ижодимни таҳлил ва тафтиш қилишинг, пироварди, Мендан сўнг Сенгина қайси асаримни чиқариш мумкинлиги ёхуд ножойизлигини ҳал қиласан».

Китоб икки бўлимдан иборат. Биринчи бўлимда ёзувчининг кундалиги ва ёндафтариди қайд этилган фикрлар, қисқа ва лўнда мактублар, дастхатлар, шунингдек, ҳаёти ва ижодига оид муҳим сана, маълумотлар баён қилинади. Бу ёзишмалар ғоятда қизиқ ва қimmatли. Тўғрироғи, оҳори тўқилмаган — илк бор чоп этилаётган ифодалар. Уларни мисқоллаб йиғиб, йўқолиб кетишдан асраб-авайлаган муаллиф бу ифодаларни адаб — отасидан қолган улкан маънавий бойлик, бебаҳо ёдгорлик деб билади.

Иккинчи бўлимда муаллифнинг соғинчдан сарғайган сўзлардан сафланган суҳбатлари ва мақоалари ўрин олган.

Адиба «Чексиз соғинч» мақоаласини отасининг куйидаги ёзиб қолдирган битиклари билан бошлайди:

«Уксима, болам, даданг ҳамиша ёнингда бўлади. Менинг руҳим ана



Сайёра ХОЛМИРЗАЕВА

ҚАЙТМАС ДАМЛАР

шу асарларимда. Бирор-бир китобимни қўлингга олсанг, ундан менинг сиймом кўриниши аниқ». Отасининг бу сўзлари фарзандига далда, ишонч, юпанч беради.

Китоб билан танишаркансиз, Сайёра Холмирзаева машҳур доғнишмандлардан бирининг «Умр қисқа, лекин инсон ўз фарзандлари тимсолида қайта яшай бошлайди», деган сўзларини исботлаётганига амин бўласиз.

«Сайёра — дадасининг қизи» дейишарди, ҳа «мен — дадамнинг қизиман!» Шунга лойиқ бўлишга умрим давомида ҳаракат қилиб келдим... Мен бахтлиман, дадамнинг қизи эканлигимдан бахтлиман», дейди Сайёра Холмирзаева.

Майсара НАЗАРОВА,
«Turkiston» мухбири

Mutaxassis o'goh etadi

БИРГИНА ХАТО ҚИММАТГА ТУШДИ

Иссиқлик манбалари — электр энергияси, табиий газдан нотўғри фойдаланиш нафақат мол-мулкдан маҳрум қилади, балки инсонлар ҳаётига ҳам зомин бўлиши мумкин. Афсуски, фаолиятимизда бундай ҳолатларга кўп бора дуч келганмиз.

Шундай воқеалардан бири ўтган йилнинг куз оқшомларидан бирида содир бўлди. Тошкент шаҳар ИИББ ЁХБ Марказий диспетчерлик хизматига Сергели тумани Нилуфар кўчасидаги уйларнинг бирида

ёнгин чиққани ҳақида хабар келганида Сергели тумани ёнгиндан муҳофаза қилувчи 10-ҲЁХКнинг жанговар бўлинмаси зудлик билан етиб борди. Маңзилда очиқ аланга ловулар, олов тобора кучаярди. Ёнгин бартараф этилди, аммо хонадон соҳибининг ҳаётини сақлаб қолишининг иложи бўлмади.

Ёнгин жойини ўрганиш, суриштирувларда хонадон эгасининг электр иситиш печлари, тўғрироғи, қўлбола мосламалардан фойдалангани маълум бўлди. Ушбу бепарволикнинг оқибати аянчли яқунланди.

Бу воқеадан кўп юртдошларимиз ибрат олади, деб умид қиламиз.

Бекзод РАСУЛОВ,
сафдор, 12-ҲҲХО 26-ҲҲК

ГУЛСЕВАР ҚИЗ

Бугун гуллар шайдоси бўлиб,
Ойга ҳаёлини берган қиз.
Ҳали севги озорин билмай,
Лолақизғалдоқлар терган қиз.

Бирга юрар у офтоб билан,
Кенгликларда айтади ўлан.
Бир қўлида китоби билан
Лолақизғалдоқлар терган қиз.

Фаришталар билан сирлашиб,
Қўкка боқиб шеър тўқир ёлғиз.
Туйғулари дарёдек тошиб,
Лолақизғалдоқлар терган қиз.

Гул атридан тўйиб завқ олар,
Баҳор билан тиллашар у қиз.
Йўлларида гул тўлиб кетар,
Лолақизғалдоқлар терган қиз.

Муниса РАСУЛОВА,
Каттақўрғон тиббиёт коллежи ўқувчиси

ВАТАН

Онажон дедим мен, болам дедим сен,
Бағрингда ўсанман, лолам дедим сен.



Жажжи дунёйимга олам бердинг сен,
Орзуим ўзингсан, бахтимсан, Ватан.

Чўп қадаса, дарахт унар замин бу,
Тарқатгани илму ҳунар замин бу.
Бошига бахт қуши қўнар замин бу,
Менинг омадимсан, фахримсан, Ватан.

Мунира ОМОНОВА,
Нурота иқтисодийёт коллежи ўқувчиси

ОНАМНИНГ ДУОСИ

Нон ҳиди уфурар онамни кучсам,
Унга бор меҳримни, қалбимни тутсам.
Олислардан келиб бағрига шонсам,
Онамнинг дуоси — бойлигим менинг.

Қарасам оқ тушган соч толаларига,
Малҳам бўлосайдим нолаларига.
Жонимни бераман аллаларига,
Онамнинг дуоси — бойлигим менинг.

Куну тун сўрайди мен учун соғлиқ,
Онамнинг дуоси бахтимга боғлиқ.
Онам бор, яшайман мен бахта тўлиб,
Онамнинг дуоси — бойлигим менинг.

Нуржаҳон ЖУМАЕВА,
Нурота иқтисодийёт коллежи ўқувчиси

Yoshlar ilhomi



Ҳаво экрани — мўъжиза

Япон олимлари дунёда илк бор ҳаво дисплейини яратдилар. Янги технология сенсорли қурилмаларни амалиётдан сиқиб чиқариши мумкин.

Токио университети профессори Масатоси Исикава янги қурилма буйруқларни фойдаланувчининг имо-ишорасидан «англаб» олишини алоҳида таъкидлади. Ҳаво экрани — шундоқ ҳавонинг ўзида пайдо бўладиган экрандир. Бунга светодиодли махсус кўзгудан қайтадиган ёруғлик ёрдамида эришилди.

Қурилмада сониясига юзлаб кадрларни суратга олувчи стереокамералар ҳам жойлаштирилган. Уни ишга тушириш учун имо-ишоранинг ўзи kifoya. Маълум бўлишича, қурилма биринчи бўлиб тиббиётда қўлланилади.

Чилида зилзила

Чилида сўнги уч кун давомида уч марта кучли зилзила юз берди. Маълум бўлишича, 6,2 магнитудали зилзила эпицентри Икике шаҳридан 55 километр жануби-ғарбда жойлашган.

Ўн километр чуқурликда бўлган ерости силкиниши интенсивлигига кўра «вайронкор» дея баҳоланди.

Бундан олдин мамлакат шимолида 8,2 балли ва эртаси куни 7,8 балли зилзила бўлган эди. Тўққиз юз минг киши эвакуация қилинди. Олти киши ҳалок бўлиб, икки киши бедарак йўқолди.

Махсус бозорлар учун

Бирлашган Араб Амирликларининг Дубай шаҳрида янгиланган, корпуси тилладан бўлган «HTC One M8» смартфонининг тақдироти бўлиб ўтди.

Тақдирот вақтида компания яқин орада телефоннинг яна бошқа моделлари ҳам тилладан чиқарилиб, сотилишини эълон қилди. Смартфоннинг чиқарилиш санаси ва нархи аниқ бўлмаса-да, у фақат махсус бозорларда сотилиши маълум қилинди.

Эслатиб ўтамиз, мазкур смартфон беш дюймлик экран ва «Snapdragon» процессорига эга. Металл корпусидаги кўриниш сақланиб қолинган.

Аввалига исийди, сўнгра...

Атлантика океани шимолида иқлимнинг исиши Европа ва Америкада қаҳратон совуққа сабаб бўлади.

Дунё олимлари Атлантика океани шимолидаги иқлимнинг доимий эмаслигини ўрганиб, шундай хулосага келган. Маъмур жараён, аввалига, океан сатҳидаги ҳаво ҳароратининг исишига олиб келади. Олимларнинг маълум қилишича, Шимолий Атлантикадаги ҳаво ҳарорати кўпи билан 1,5 даражага исийдиган бўлса, бу АҚШ ва Европадаги фожеали ва экстремал қаҳратон қишларга сабаб бўлади. Бу ўзгаришлар узоғи билан 10-15 йил ичида рўй бериши мумкин.

Интернет манбалари асосида
Жавоҳир КАРОМАТОВ тайёрлади

